



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 30 (10.083)

2004 ЙИЛ 12 ФЕВРАЛЬ

ПОЙТАХТНИНГ Бир КУНИ

Янгиликлар, воқеалар



«Лола атир-упа» акциядорлик жамиятида тайёрланаётган маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз харидорини топмоқда.

СУРАТДА: харидоригар маҳсулот тайёрлашда қадоклаш ускунасини моҳирлик билан бошқараётган Нурхон Юсупованинг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда.

ҚИСҚА САТЛАРДА

● **ЭРТАГА** Ўзбекистон Фанлар академияси Эндокринология илмий-текшириш институтида «ЭКОСАН» халқаро жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан «Меҳр ва мурувват йили» Давлат дастурининг бажарилиши доирасида учрашув бўлиб ўтади.

● **БУГУН** Тошкент халқаро Вестминстер университетиде илм масканида ташкил этилган инглиз тилидан тайёрлов курсларида таҳсил олган 82 нафар битирувчиларга сертификатлар топширилди.

● **БУГУН** ишбилармонлар, тadbirkorлар ўртасида ташкил

этилган «Ташаббус-2004» кўриктанловининг туман босқичи Бектемир, Миробод, Сергели, Шайхонтоҳур, Яққасарой туманларида ўтказилди.

● **ТОШКЕНТ** молия институтида бошланган «Иқтисодийetni эркинлаштириш шароитида солиқ тизими ва суғурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция БУГУН якунланди.

● **ТОШКЕНТ** Ислom университетиде «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар бўлимлари раисларининг малакасини ошириш мақсадида ташкил этилган ўқув курслари давом этмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ҲАРБИЙ ТЕХНИКАВИЙ ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Пойтахтимизда АҚШ ҳукуматининг «Экспорт назорати ва чегаралар хавфсизлиги» (EXBS) дастури доирасида мамлакатимиз чегарачиларига техникавий ёрдам тариқасида навбатдаги транспорт воситалари ва бошқа жиҳозлар топширилди.

Мазкур техникавий ёрдам КамАЗ ва УРАЛ юк автомобиллари, шунингдек, кўчма генераторлар, биноклар, қўл фонарлари ҳамда портатив компьютерлардан иборат бўлиб, умумий қиймати 1 миллион 189 минг 348 АҚШ долларига тенг.

Шу муносабат билан ўтказилган ма-

росимда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисининг ўринбосари, чегара қўшинлари кўмондони, генерал-лейтенант Ф.Тешаев ҳамда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавулодда ва Мухтор элчиси Жон Пурнелл мамлакатларимиз ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

**Р.Ф.ФАЙЗУЛЛАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ
ЎРИНБОСАРИ — ҚУРИЛИШ, ҚУРИЛИШ
МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ, КОММУНАЛ
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА ТРАНСПОРТ
КОМПЛЕКСИ РАҲБАРИ ЭТИБ
ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Равшанбек Фатхуллаевич Файзуллаев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, коммунал хизмат кўрсатиш ва транспорт комплекси раҳбари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 11 февраль

Ўзбекистонда яна қирқ киши «Халқаро амалиётчи бухгалтер» сертификатини қўлга киритди. Энди ушбу тоифага эга бўлганлар сони 158 нафарга етди.

БИЗНЕС САБОҚЛАРИ

ЮСАИДнинг тadbirkorликни ривожлантириш лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган CIPA-EN профессионал сертификатлаш дастури «Сертификатланган амалиётчи бухгалтер» ва «Сертификатланган халқаро малакали бухгалтер» таснифи учун имтиҳонлар ўтказиш бўйича марказлаштирилган маъмур сифатида таъсис этилган эди.

CIPA-EN - Марказий Осиё, Россия ва Украинада Халқаро бухгалтерлар федерацияси / IFAC/ таълим дастурига асосланган ягона сертификатлаш дастури бўлиб, БМТ Савдо ва ривожланиш кенгашининг ўқув режасига мос келади ва маҳаллий андозалар ҳамда қонунчиликни ўз ичига олади.

Бухгалтерлик ҳисоби - бу бизнес услуги. Агарда мамлакат жаҳон иқтисодийётига интеграциялашувни режалаштирса, бу услубни имкон қадар кўпроқ одам билиши керак. Молиявий ҳисобдорликнинг халқаро стандартлари соҳасидаги кўникам ва билимлар мамлакат иқтисодийетининг ошқоралигини, сармоялар жалб қилиш ҳамда рақобатбардошликни ошириш учун жуда муҳимдир.

Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

АҚШ Божхона ва чегара агентлигининг EXBS дастури Ўзбекистонда 2000 йил апрелидан фаолият юритиб келмоқда. Шу кунгача мазкур дастур доирасида техникавий ускуна ва ўқув семинарлари шаклида 5 миллион долларлик ёрдам кўрсатилди. Жорий йилда яна 600 минг долларлик ускуна етказиб берилиши кутилмоқда.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содик Сафоев иштирок этди.

ЎЗА

ХУМ САДОСИ

Барча мавбалардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Парламентда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги давлат ва жамият қурилиши академиясининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчи ҳамда тингловчилари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида аграр соҳа раҳбарларининг бир ҳафталик ўқув семинари ниҳоясига етди.

● Эрон Ислom Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонасида Эронда ислom инқилоби галаба қозонганига 25 йил тўлиши муносабати билан тadbirkor бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон-Эрон муносабатларининг бугунги кундаги аҳволи ҳақида ҳам сўз борди.

● Бухородаги «Журналист» уюшмаси «Бухорнома» газетаси ва вилоят телерадиокомпанияси кўмагида «Биз ва ҳуқуқий демократик давлат» мавзусида энг яхши ишлар танловини эълон қилди.

● Навоий вилоятида республика акционерлик-тижорат ипотека «Замин» банки вилорят бўлимининг кредити эвазига хуш таъм, чанқовбосди яхна ичимликлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди — «Олтин шер» хусусий фирмаси ишбилармонлари Навоий шаҳрида Швейцария асбоб-ускуналари асосида ичхач корхона ташкил этишди.

Жаҳонда

● Грузиянинг янги президенти Михаил Саакашвили илк расмий ташриф билан Россияда бўлди. Россия Президенти Владимир Путин ва мамлакат расмийлари билан бўлган учрашувда Саакашвили Грузиянинг келажакдаги сиёсий-иқтисодий ва халқаро масалалардаги таклифларини баён қилди.

● Испания ва Фалатин ташқи ишлар вазирлари ўртасида Мадридда бўлиб ўтган икки томонлама учрашувда Исроил ва Фаластинни Европа Иттифоқига қабул қилиш масаласи кўриб чиқилди.

● Эроннинг Kish Airline авиакомпаниясига қарашли Fooker-50 йўловчи самолёти Бирлашган Араб Амирлигининг Шаржа шаҳри аэропортига кўнишга шайланаётган пайтда қулаб тушди. Авиаҳалокат натижасида 39 киши ҳаётдан кўз юмди, икки киши тирик қолди.

● Гаитида бир ҳафтадан буён ҳукуматга қарши халқ кўзғолони давом этмоқда. Кўзғолончилар мамлакат Президенти Жан Бертран Аристиднинг истеъфода қилиниши талаб қилмоқдалар.

Иқтисодиёт**ИШЧИ ЎРИНЛАРИ
ЯРАТИЛАДИ**

Махсулот сифатли ва рақобатбардош бўлса, унинг харидорлари ҳам кўп бўлади. Харидорлар сафининг ортиши учун эса янада тадбиркорлик билан иш юритиб ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, махсулот турларини кўпайтириш тақозо этилади.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Шодлик» қандалат комбинати тадбиркорлари ҳам ўз излашлари боис қисқа давр мобайнида махсулот турларини 50 хилга етказишди. Ишлаб чиқарилаётган қандалат махсулотлари — оддий печеньедан тортиб буюртмали сертификатланган бўлиб, маалакали қандалатпазларнинг маҳоратлари туфайли уларга турли безаклар берилади, харидор диди ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда қадоқланади.

— Махсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортгани сари цехларимизни ҳам кенгайтириб, Болтиқбўйи давлатларидан замонавий хорижий линиялар келтиришга муваффақ бўлдик, — дейди корхона раҳбари Абдурашид Раҳмонов. — Муҳими, ушбу дастгоҳларни ўз фойдаимиз ҳисобидан олиб келишга эришганимиздир.

Иш жараёнида, рақобатбардош махсулотлар турларини тайёрлашга эътибор қаратишда бозорни ўрганиш, шу асосда ишчилар малакасини ошириш самара бермоқда. Пойтахтимиздаги 60 тадан зиёд савдо шохобчалари билан ҳамкорлик қиламиз ва улар орқали махсулотимизни сотиш билан бирга харидорлар фикр-мулоҳазаларини ҳам ўрганамиз. Айни пайтда шаҳримиз аҳолиси дастурхонига ойига 6-8 миллион сўмлик ширинликларни етказиб бераямиз. Жорий йилда янада сифатли, чиройли тўй ва байрам тортиқларининг янги хилларини тайёрлашни мақсад қилганмиз.

Шунингдек, корхона тадбиркорлари яна бир янги цех очишни режалаштиришди. Ушбу цехда вакуумли бисквит тайёрлаш кўзда тутилган. Бунинг учун эса, юксак унумли хориж дастгоҳи келтирилади. Албатта, ёш йигит-қизлар учун янги иш ўринлари ҳам яратилади. Энг асосийси эса хориж махсулотлари ўрнини босадиган, ички бозорни таъминлайдиган махсулот тури харидорларга тортиқ этилади.

**Шарофат
БАХРОМОВА**

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури - амалга**ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН**

Қибрай энергетика касб-хунар коллежида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент Давлат иқтисодиёт ва аграр университетлари, Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти ҳокимликлари ташаббуси билан Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида касб-хунар коллежлари таълими тизимида янги педагогик технологияларнинг қўлланилишига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда ўрта махсус, касб-хунар таълимида замонавий педагогик технологияларни қўллаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Касб-хунар коллежларида ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос географик ва демографик шарт-шароити ҳамда мутахассисларга эҳтиёжи ҳисобга олинган ҳолда кадрлар тайёрланмоқда.

Тадбирда касб-хунар коллежларида ўқув ишлаб чиқариш ва ҳўжалик фаолиятини ташкил этишни янада яхшилаш, янги педагогик технологияларнинг қўлланилишини жадаллаштириш, Тошкент шаҳри ва вилоятда меҳнат бозорини ташкил этишни тақомиллаштиришга оид масалалар муҳокама этилди.

ЎЗА



Корхонанинг очилишига бағишланган маросимда вазирликлар, идоралар, халқаро ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари М.Усмонов ўз сўзида янги қўшма корхона мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар муваффақиятига яққол мисол эканини қайд этди. Мустақилликкача Ўзбекистон иқтисодиётида асосан хомашёга эътибор қаратилган бўлса, ҳозир вазият тубдан ўзгармоқда. Президент Ислом Каримов мамлакатимиз санаятини модернизация қилиш, хомашёни юз фоиз қайта ишлаб, юқори сифатли тайёр махсулот ишлаб чиқариш учун энг замонавий технологияларни жорий этиш зарурлигини доимо таъкидлаб келади. Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини ошириш, халқаро савдо бозорларига чиқиш иқтисодий туб ўзгаришларни амалга оширишда устувор йўналиш ҳисобланади.

Тадбирда сўзга чиққан Италиянинг Ўзбекистондаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси Анжело Персиани бундай дўстона мамлакатда кичик саноатни ташкил этиш муҳимлигини қайд этди. Бой тўқимачилик тарихига эга Италиянинг хусусий бизнес вакиллари республикаимизда шундай ишлаб чиқаришни ташкил этишдан жуда манфаатдор. Мазкур тармоқ истиқболли бўлиб, кейинчалик «Regiah Silk Ltd» қўшма корхонасидан сўнг Ўзбекистон бозорига бошқа италиялик сармоядорлар келишига умид катта.

Бутун дунёда италияликлар тайёрлаган галстуклар юқори баҳоланади ва улар бизнеснинг бу тармоғини яхши тушунади. Италиялик ҳамкорлар Тошкентда ана шундай ишлаб чиқаришни ташкил этишга қарор қилгани ҳам бежиз эмас. Чунки Ўзбекистонда қадимдан бирламчи хомашё - юқори сифатли ипак ишлаб чиқарилган. Бунинг

устига, қўшма корхона таъсисчиларидан бири Луижи Ремижонинг сўзларига кўра, пойтахтимизда инфратузилма - транспорт, коммуникация, банк тизими, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ҳам яхши ривожланган. Буларнинг барчаси ўз

ипакдан тайёрланади. «Regiah Silk Ltd» мутахассислари сифатли махсулот ишлаб чиқариш учун Наманган, Маргилон, Бухородаги энг яхши пиллачилик фабрикаларида хомашё танлаб олади. Бунда калавани бўяш ва газламини безашга алоҳида эътибор берилади.

Маҳаллий мутахассисларнинг айтишича, улар қўшма корхонани ташкил этишда катта тажрибага эга хорижлик шериклари иш услубини ўзлаштиришга интилиб, кўп асрлик миллий анъаналаримизни ҳам унутмасликка ҳарқат қилишди.

Ҳар бир галстукнинг расмлари италиялик дизайнерлар томонидан батафсил ишлаб чиқилмоқда. Миҳозларнинг эҳтиёжларини тўлиқ қондирадиган ранглардаги махсулот таклиф этилмоқда. Қўшма корхонанинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, унинг ходимлари яхши тайёргарликдан ўтган бўлиб, уларни ўқитиш учун Италиядан йигирмадан ортиқ мутахассис таклиф этилган.

Луижи Ремижио айтдики, «Regiah Silk Ltd» корхонаси махсулотни сотиш масалаларида ўзбекистонлик ва хорижлик тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр. Қўшма корхона анъанавий услубдаги галстуклар ҳамда корхона ва ташкилотлар, ҳарбийлар ҳамда ўқув юртлари учун галстукларни ишлаб чиқаришга буюртмаларни ҳам бажара олади.

Авваламга махсулотнинг муайян қисми Марказий Осиё мамлакатлари, Италия, Россия, Европа мамлакатлари экспорт қилинади, катта қисми эса ички бозорда сотилади. Келгусида махсулот турларини кўпайтириш режалаштирилмоқда. Бинолар ички қисмини пардозлаш учун турли матолар ишлаб чиқарилади.

Маросим якунида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган чиройли ва бежирим галстукларнинг ўнлаб турлари намойиш этилди.

**В.НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.
СУРАТЛАРДА: корхона
фаолиятдан лавҳалар.**

ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Италия ва Европанинг бошқа мамлакатлари дўконларида яқинда «Made in Uzbekistan» тамғаси босилган чиройли шойи галстуклар пайдо бўлади. Тошкентда «Ўзбек ипаги» уюшмаси ва Италиянинг «Giorgio Giammiola & C.S.p.A.» ҳамда «Finiterexpo» компаниялари томонидан таъсис этилган «Regiah Silk Ltd» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси шундай галстуклар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.



сарф-харажатларини тежаши лозим бўлган кичик корхона учун жуда муҳим. Италиялик бизнесмен корхона ишчилари ишга виждонан ёндашиши муҳимлигини ҳам айтиб ўтди.

«Regiah Silk Ltd» қўшма корхонаси - юқори технология ва қўл меҳнати уйғунлиги талаб қилинадиган шойи галстуклар ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиёда ягона корхона. Қўшма корхона менежерлари кизикари реклами тайёрлади: 350 000 000 ипак куртини боқиш ва етиштириш учун 525 000 килограмм тут барги керак бўлар экан. Бу йўл билан 52500 килограмм пилла ва ундан 7875 килограмм ипак хомашёси олинади. Тўлиқ қайта ишланганда хомашёдан 72540 метр мато чиқади. Қўшма корхона мутахассислари бу матодан йилга 350 минг дона галстук ишлаб чиқаради.

Дарвоқе, мато яхши галстукнинг энг муҳим белгиси саналади. Галстуклар учун мато 100 фоиз табиий

Тадбирлар

МУМТОЗ КҮЙ-ҚҶШИҚЛАР ЯНГРАДИ

Тошкент архитектура-қурилиш институтида буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллуд топган кунининг 563 йиллигига бағишланган тадбир ўтказилди.

Унда факультетларнинг декан ўринбосарлари, мураббийлар, ўзбек тили ўқитувчилари, «Маънавият ва маърифат» бўлими ходимлари фаол қатнашдилар.

Тадбирни институтнинг «Маънавият ва маърифат» ишлари бўйича ректор ўринбосари Рихсивой Юсупов кириш сўзи билан очиб берди.

Эътиборли томони, ушбу тадбирда русий забон гуруҳининг талабалари ҳам фаол қатнашдилар. Жумладан муҳандис-қурилиш факультетининг талабалари А.Ишнйазова, С.Кравцов ўзбек тилида Навоийнинг ҳаёти ва ижоди бағишланган маърузалар қилдилар. Иқтисодиёт факультетининг талабалари М.Муравьёва, Р.Хаметов, М.Яхудин улуг адиб қаламига мансуб ғазалардан намуналарни мароқ билан ёд олдилар.

Талабалар ижросида Навоий ғазалари асосида мумтоз куй-қўшиқлар янгради.

Талабалар томонидан тайёрланган деворий газеталар ва ранг-баранг альбомлар ҳам қатнашчиларда чуқур таассурот қолдирди.

Нигора АЛИМОВА

Маданият

ТИББИЁТДАН ЯНГИ КИТОБЛАР

Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт наشريети қатор китобларни чоп этди. «Болалар касалликлари ва уларнинг анатомик-физиологик хусусиятлари» деб номланган янги нашр ҳам мутахассисларга яхши совға бўлди.

Кичик ёшдаги болаларни тўғри парвариш, овқатлантириш турли касалликлардан муҳофазалашга оид фойдали маслаҳатлар берилган бу тўплам Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан тиббиёт коллежлари учун дарслик сифатида тавсия этилди.

Нашриёт, шунингдек, «Тиш жарроҳлиги стоматологияси ва юз-жағ травматологияси» деган қўлланмани ҳам чоп этди.

Ақбар АЛИЕВ.

Нихоятда жонли, фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтган ушбу анжуманда фаол ёшлардан сайланган 165 нафар делегат, корхона ва ташкилот, туман ва шаҳар ҳокимлиги, маҳаллалар вакиллари иштирок этдилар.

Конференция аввалида «Камолот» ЁИХ Ҳамза туман бўлими Кенгаши раиси Мирзохид Мираҳмедов қисқа фурсат бўлиб кўринсада, лекин ўтган 2,5 йил вақт оралиғида салмоқли юмушлар амалга оширилгани ҳақида таҳлиллар орқали ҳисоб берди.

— Ўтган вақт давомида амалга оширилган ишларга назар соладиган бўлсак ҳаракатнинг туман бўлими Кенгаши томонидан сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий, спорт ва жисмоний тарбия, кадрлар билан ишлаш, ёшлар онгига экологик билимларни сингдириш, уларни ободонлаштириш юмушларига жалб қилиш борасида юзлаб амалий тадбирлар ўтказилди, — деди жумладан ўз ҳисоботида Мирзохид Мираҳмедов. — Хусусан, спорт ва жисмоний тарбия соҳасини оладишга бўлсак тумандаги ўн бешта маҳаллада шахмат-шашка тўғрақлари очилди. «Наврўз», «Ба-

«Камолот»

ФАОЛЛИК ЯНАДА ОШАДИ

Ёшларни бир мақсад атрофида бирлаштириб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини қўллаб-қувватлашни мақсад қилиб фаолиятини бошлаган, нодавлат, нотижорат ташкилот — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ўтган 2,5 йил ичида бажарилган ишлар, умумий фаолият юзасидан ҳисоб бермоқда. Туманлар бўйича бўлиб ўтаётган ҳисобот конференциялари кунни кеча «Камолот» ЁИХи Ҳамза туман бўлими Кенгашида ўз ниҳоясига етди.

«Хор», «Умид», Муқимий, Усмон Юсупов маҳаллаларида бу борада ибратга молик юмушлар амалга оширилмоқда. Кенгаш ташаббуси билан тарбия колониясида «Камолот» бошланғич ташкилоти тузилди. Унинг 250 нафар аъзоси бор. Кутубхона ҳам ташкил этилди. Биз ташрифларимиз давомида кутубхонани журнал, китоб, дафтар ва ўқув қуроллари билан таъминлади. Бу тадбирларимиз ўзининг илк ижобий натижаларини бермоқда.

Туман меҳнат бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган меҳнат

ярмаркаларида иштирок этиб, вояга етмаган ёшлардан 10 нафарини ўқув марказига ўқиш ва хунар эгаллаш учун жойлади.

Иш бор жойда камчилик ҳам бўлиши турган гап. Биз камолотчилар туманимизда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сонининг кўпайганини ўз ишимизда сўзлашдик. Келгусида биринчи навбатда эътиборимизни вояга етмаганлар тарбиясига қаратиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда жамоатчилик асосида ус-

тозлар ёрдамида ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ишларини олиб бормоқчимиз.

— Юрагида ўти бўлган, юрт фидойиси, эртанинг нурли кунлари учун жон фидолик қиладиган ёшлар биз билан бирга эканлиги кишини хурсанд қилди, — деди музокараларда сўз олган «Тошқишлоқмаш» очик акционерлик жамияти етакчиси Яҳё Болиев. — Фаоллики яна ҳам ошириш лозим, токи ҳар бир ёш чин юракдан ишонган ҳолда сафларимизни тўлдирсин.

Шунингдек, анжуманда ютуқлар билан бир қаторда ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳам етарли эканлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Туман бўлими Кенгаши фаолияти билан яқиндан танишган камолотчилар келгусида қилинадиган аниқ вазифаларни белгилаб, уларни қайта сайланган туман Кенгаши раиси Мирзохид Мираҳмедов етакчилигида амалга оширишга келишиб, анжумандан катта таассуротлар билан қайтдилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Иқтисодиёт

ЭЗГУ НИЯТ ЮТУҚЛАР ОМИДИ

Хонадон, офис, идора, ўқув юртлари, меҳмонхоналарни замонавий, бежирим, сифатли, асосийси қулай мебеллар билан жиҳозлашда юртимизда фаолият кўрсатяётган қўшма корхоналарнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Бугунги харидор диди ва талаб-истагидан келиб чиққан ҳолда иш юртяётган тадбиркор мебелсозларимиз орасида рақобат ҳам тобора авж олмоқда.

Ушбу рақобат маҳсулотлар сифатида ўз аксини топаётганлиги Мирзо Улуғбек туманида самарали фаолият юртяётган «Shax-polan M» Ўзбекистон-Польша қўшма корхонаси мисолида яққол кўзга ташланади.

Мазкур ҳамкорликдаги корхона 2001 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунга келиб унинг Янгийўл шаҳрида ҳам шохбоси мавжуд. Аҳли жамоанинг 90 нафарга яқин ишчи-хизматчилари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар юқори сифати, қулайлиги билан эътиборга сазовор ҳамда республика бўйлаб ўз харидорларига эга.


— Ўтган йилни жамоамиз ўзинга хос меҳнат ютуқлари билан муваффақиятли якунлади, — дейди қўшма корхона бош директори Наталья Пивцайкина. — Биз асосан юртимиздаги қўшлаб академик лицей ва коллежлар учун мебель ва бошқа жиҳозлар ишлаб чиқардик ва 700 миллион сўмлик маҳсулотимизни сотдик.

Республика миқёсида ўтказилган танловда қўшма корхона голиб бўлгач айни шу буюртма асосида шартнома тузилганди. Корхонада лицей ва коллежлар ўқувчиларининг ўқув хоналаридан ўрин олган қўшлаб турдаги: бирикки кишилик стол, стул, ёзув столлари тайёрланди. Жумладан, махсус фан-

лар, яъни лингафон, компьютер ҳамда амалиёт хоналари учун турли ҳажм ва рангли мебеллар манзарали пластикани қўллаган ҳолда ишлаб чиқарилади.

Қўшма корхона цехларига Германия давлатининг етакчи компанияларидан бирида тайёрланган замонавий технологик линия келтирилиб, ўрнатилган. Бу албатта корхонада тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати ва меҳнат унумдорлигида муҳим роль ўйнамоқда. Қўшма корхонада ишни тўғри йўлга қўйиш, ишчиларни бир маромда иш билан таъминлаш, ички бозорни импорт ўрнини босувчи мебель маҳсулотлари билан тўлдириш мақсадида доимий изланишлар давом этмоқда. Маҳсулот турларини янгилашга, харидорларини яратишга эришилмоқда. Шу кунгача яратилган маҳсулотлар тури 20 тага етганлиги фикримизнинг далили бўла олади.

Бундай ютуқларга ўз-ўзиндан эришиб бўлмайди, албатта. Шу боисдан ҳам корхона раҳбарлари ишчи-хизматчиларнинг иш шароитларини яхшилашга, уларнинг ижтимоий муҳофазаларига катта эътибор қаратишади. Қўшма корхона ишчилари махсус иш





кийимлари билан таъминланган ҳамда уларга бепул тушлик ташкил этилган. Керак бўлганда соғлиқларини тиклашга ёки оилавий шароитлари инобатга олиниб, моддий ёрдам ҳам кўрсатилади.

Шу кунларда корхонада таъмирлаш ишлари қизгин бормоқда. Корхона биносининг ташқи қиёфаси ўзгартирилди, цехлар таъмирланди, маъмурий бино ҳам замонавий қиёфа касб этди.

Қўшма корхона аҳли жорий йилда ҳам улкан режаларни қўзлаган ҳолда имкониятлардан оқилона фойдаланиб меҳнат қилмоқдалар. Фаолият доираларини кенгайтириш ҳисобига янгиликка қўл уришмоқда, яъни корхона аҳли янги маҳсулот ишлаб чиқаришни биринчи чоракда амалга оширмоқчи. «Ҳаракатда баракат» деганларидек, жамоага эзгу ниятлари ютуқлар омили бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: «Shax-Polan-M» қўшма корхонасининг малакали мебелсозлари иш устида.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.



Саломатлик инсон ҳаётидаги бебаҳо хазинадир. Гоҳида айрим кишилар саломатликларидан нолиб: «Менинг қанд касалим ёки қон босимим бор, парҳеъдаман» дея улашади. Бузувчи кунда қандадиёт диабет касаллиги билан оғриган беморлар кўпайиб бормоқда. Хўш, қандадиёт диабетнинг ўзи нима? Ундан буткул даво топиш мумкинми? Ушбу саволлар билан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Эндокринология институтининг бўлим мудири, тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали шифокор Раъно ҲОШИМОВАга мурожаат қилдик.

Мурожаба

ҚАНДАЛИ ДИАБЕТ НАСА СУРАДИМИ?

— Раъно Муратовна, қандали диабет келиши, унинг турлари ва келиб чиқиш сабаблари ҳақида гапириб берсангиз...

— Қандали диабет қадим замонлардан маълум бўлган касалликдир. Қанд касаллиги деб аталган сабаб унда моддалар аввало қанд (углевод) алмашинуви, шу билан бир қаторда оқсил ва ёрғ алмашинуви ҳам бузилади. Моддалар алмашинуви жараёнини бошқаришда ҳал қилувчи роль ўйнаётган инсулин этишмаслиги вужудга келади.

Инсулин — кимёвий модда оқсил гормон, уни ошқозон ости безининг бета-ҳужайралари ишлаб чиқаради. Инсулин ва бошқа гормонлар қондаги қанд миқдорини нормал миқдорда ушлаб туришда. Организм инсулинни етарлича ишлаб чиқармаса ёки тўқималарнинг унга нисбатан сезувчанлиги пайсаяганида мускул ва ёрғ тўқималар глюкозани ўзлаштира олмайд. Турли сабабларга кўра танада инсулин этишмовчилиги юзга келганда — қандали диабет касаллиги ривожланади.

Қандали диабет — бир умрлик касаллик, уни бутун ҳаёт давомида даволаш зарур, агар бемор даволамаса, организмда чўқур ўзгаришлар юз беради ва диабет асоратлари ривожланиб кетади. Соғлом кишида қон таркибида наҳор қанд миқдори 4,4-5,5 ммоль/л овқатлангандан кейин 2 соат ўтгач — 7,8 ммоль/лдан ошмайди.

Агар наҳорда қондаги қанд миқдори 6,1 ммоль/л дан ва овқатдан кейин 2 соат ўтгач 8,3 ммоль/лдан кўп бўлса беморга қандали диабет ташхиси қўйилади.

Беморларнинг қонда қанд миқдори 9,0 ммоль/л дан юқорига кўтарилса, буйраклар шакри «сақлаб тура» олмайд ва шакар сийдик билан ажралиб чиқа бошлайди. Буйраклар ажратган қанд ўзи билан кўп суяқлик олиб кетади, шунинг учун сийдик ҳажми кўпайиб кетади. Соғлом одам бир суткада 1,0-1,5 литр сийдик чиқаради, қандали диабет бемор эса бир суткада 6,0-8,0 гача сийдик чиқаради; кўп суяқлик йўқотиш ташналикни кучайтиради.

Қонда қанд миқдори кўпайганида, бета-ҳужайралар кўпроқ инсулин ажратади ва аксинча қонда қанд камайганида — эркин инсулин миқдори камайд.

Диабетнинг асосан икки тури мавжуд: биринчиси инсулинга қарам қандали диабет, 2-тури эса инсулинга қарам бўлмаган қандали диабетдир. Касалликнинг биринчи тури асосан болалик ва ўсимирлик ёшларида пайдо бўлади; кўпинча ўткир юқумли касалликлар (грипп, тегатит, тепки, қизилча ва бошқалардан кейин аниқланади. Қандали диабетнинг

бу тури кескин ва тез вақт ичида ривожланиб кетади. Диабетнинг ушбу турида бета-ҳужайралар ўз вазифасини баҳара олмайд; сабаби улар вирус ёки аутоиммун жараён шикастланиши оқибатида, чўқур ўзгаришларга дучор бўлади. Шунинг учун ҳам қандали диабетнинг биринчи турида беморларнинг қонда инсулин бўлмайди ёки унинг миқдори кескин камайд.

— Айтингчи ушбу касалликнинг асосий белгилари нималардан иборат?

— Касаллик аломатлари: чанқаш, оғзининг қуриши, кўп сийдик чиқариш, ҳолсизлик, озиб кетиш. Тез вақт ичида бемор 5-15 килограмм вазнини йўқотиши мумкин. Беморнинг қони таркибида қанд миқдори жуда юқори кўрсаткичларга кўтарилиши мумкин; бундан ташқари қон таркибида ацетоннинг ошишига мойиллик ва унинг сийдик таркибида пайдо бўлиши кузатилади.

Қандали диабетнинг биринчи тури билан касалланган беморлар инсулин қабул қилмас яшай олмайд. Қандали диабетнинг инсулинга қарам бўлмаган иккинчи тури барча қандали диабет билан хасталанган беморларнинг 80-90

жисмоний ҳаракат қилиш, вазнини нормал ҳолатга келтириш талаб қилинади. Касалликнинг бу турида беморлар инсулин қабул қилмасдан тўлиқ яхши ҳаёт кечирини мумкин.

— Касалликдан буткул фори бўлиш мумкинми?

— Қандали диабетнинг пайдо бўлиши ва кечилиши мураккаб ва турли-туман. Шу сабабли касаллик ҳар бир беморда ўзига хос ёки маълум турда кечади. Даволашнинг бир тури бир беморга ёрдам бера, иккинчисига зиён келтиради. Шу сабабли беморлар таниш-билешларининг маслаҳати билан ёки ўз биланларича даволамасликлари керак. Фақат шифокор касаллик сабабини аниқлаб, тегишли давои буюради.

— Қандали диабет насл сурадимиз? Зеро, қандали диабет билан кўпинча бир овла аъзолари касал бўлишади; эгизакларнинг бири хасталанса, иккинчисини ҳам диабет бўлиши хавфи бор.

— Тиббиёт фанининг сўнгги ютуқлари бу касалликнинг наслдан-насла ўтиш механизминини аниқлаб берди. Маълум бўлишича касалликнинг ўзи эмас, балки унга мойиллик насл суради экан. Бунинг шундай тушуниш керак: бизни турли-туман зарар келтирувчи омиллар таъсиридан ҳимоя қилиб турадиган имунитет, ҳаммада ҳам бир хил бўлавермас экан. Меъда ости безининг бета-ҳужайраларига таъсир қиладиган ноҳуш омилларга

қарши ҳимоя кучлари суёт одамлар гуруҳи бўлиб, ана шундай кишиларда касаллик кўпроқ учраши аниқланган. Қандали диабетта ирсий жиҳатдан мойил бўлган одамларда касаллик бошқа сабаблар — яъни семизлик, камҳаракатлик, кўп овқат ҳамда ширинликлар ейиш, спиртли ичимликларни ичиш, чекиш, асабий-руҳий зўриқиш, қаттиқ кўрқинлар қўшилганида пайдо бўлади.

Беморлар кўпинча шифокордан бу касаллик хавотирлими? — деб сўрашади. Бу саволга жавоб бериш осон эмас. Агар бемор даволашнинг эрта бошласа, унга пухта риоя қилса ҳамда ўзини назорат қилса — диабет ҳаётга хавф солмайд. Аксинча агар бемор даво режимига тегишли риоя қилмасе, қандали диабетнинг иккинчи тури ҳам оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Дилором ИКРОМОВА суҳбатлашди. СУРАТДА: тиббиёт фанлари номзоди Раъно Ҳошимова бемор соғлигини назорат қилмоқда.

Кўшимниқидан телефон қилишга аҳд қилиб униқига чиқдим. Аҳолимни кўриб, кўнгли кўтарган бўлди-да, маҳалламиздаги поликлиникада яхши, қўли енгил тиш шифокори борлигини, унга учрашишни маслаҳат берди. Йўлда тиш оғриғи билан боғлиқ бир латифа ёдимга тушди...

Кунлардан бир кун бир киши яқин танишини жуда кайфияти чоғ ҳолатда кўчада учратиб қолибди.

— Жуда хурсандсан, ошна, — сўрабди у танишидан.

— Кечаси билан тишим оғриб чиқди. Тиш шифокорига борувдим.

— Ха, тузалиб қолдим, шунчалик хурсандсан?

— Йўғ-е, шифокор йўқ экан, — жавоб берибди халиғи киши. Сир эмас, хоҳ катта, хоҳ кичик, тиш шифокорига кўринишга юрагимиз бетламайд...

Шу кун маҳалламиздаги 46- оилавий поликлиникага етиб келиб, тиш шифокорига кириш учун навбатга турдим. Шу пайт навбатда ўтирган олақон гап бошлаб қолди.

— Барака топсин Баҳодир, жуда қўли енгил-да. Тунов кун денг, набирамни тиши оғриб, ҳеч кимга тинчлик бермади. Бу ерга бошлаб келувдим, шу ўғлим дарҳол тузатди-

қўйди. — Ширинсўзлигини айтмайсизми, — гапта ассасаларига ҳам) қатнаб, хали бирортасининг қўлимга оппоқ салфетка тутказганини йигитчанинг бўйини бир газ ўстирди. Хуллас, тиш оғриғидан халос бўлдим.

Хозирги кунда «Октепа» маҳалласи аҳолисига малакали шифокорларимизни тиш оғриғидан халос этиб, мумкин қадар оғритмай даволашга ҳаракат қилса, ёши катта беморларнинг эса ўз хизматини ўтаб келаятган тишларнинг «умрини узайтириш йўллари, усуллари устидан тинмай изланади, мутлолаа қилад.

— Баҳодиржондан биз ҳам, маҳалла аҳли ҳам хурсанд, — дейди 46- оилавий поликлиника бош шифокори, олий тоифали шифокор Саодат Абдуқаюмова. — Хали анча ёш бўлишига қарамай тажрибали шифокорлардаги 46-поликлиникага ишга келди. Файрати, касбига меҳр қўйганлиги, ҳар бир беморга ўзининг энг яқин киши-сидек муомала қилиши ва яна энг асосий омиларидан бири бўлган ширинсўзлиги билан поликлиника жамоаси ўртасида ҳам, маҳалла аҳолиси орасида ҳам

аслаёлмадим. Ана шу кичкинагина эътиборнинг ўзи ҳам менинг кўз олдимда шифокор

Яхши сўз жон озиғи, — дейди халқимиз.

МАҲАЛЛА ШИФОКОРИ
Кечкурун бошланган тиш оғриғи кечаси авжига минди. Туни билан мижжа қоқмай, тонг отишини сабаб қилиб кутдим. Ниҳ, тонг ўйлаб-ўйлаб, ишхонамга телефон қилиб, у ердагиларни оғохлантириб, шифокорга бормоқчи бўлдим. Аксига олиб, телефон гўшагидан ҳам садо чиқмади. Ўзи ноҳушлик келса, қўшалоқ келди, дейишади-ку!



Саломатликнинг қадрини кўпинча касал бўлганда, шифокорнинг меҳнатини эса дардан халос бўлганда ҳис этамиз. Ана шундай дамларда нафақат касб маҳорати, балки дил ҳарорати, ширин муомаласи билан бемор дардини енгиллатган шифокорларга тан бермай иложингиз йўқ.

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Мурожаба

ЧЕТДАН ДАВО ИЗЛАМАНГ

Иссиқ жон экан, хасталаниб қолгудек бўлсангиз, дори-даво истаб дар югуриб қоласиз. Баъзида арзонроқ экан деб бозордаги ўткиччи кишилардан ёҳуд ёймачи «ғиёҳшунос»лардан маълум излашга мажбур бўласиз.

Кунларнинг бирида бир вақтлар бирга ўқиган танишим саломатлигидан шикоят қилиб, давосини топа олмаётганини ташвишланиб гапирди. У тоқ белларининг яллиғланиши — простатит дардига йўлиққан экан. Унинг айтишига қараганда, истеъмол қиляётган бир турдаги дори навбатдагисининг таътидан фарқ қилар экан.

Умуман олганда, дарман бемор дориларни фақат даволоччи шифокорнинг тавсияси, белгилаб берилган меъёрга, вақтида қабул этиши лозим. Чунки, тегишли малякага эга бўлган шифокор беморнинг ҳолати, ёши, жинси, хасталаниш даражаси, олинган синамаларнинг чўқур таҳлили ва барча шароитларни инобатга олган ҳолда у ёки бу турдаги доридан фойдаланишни лозим кўради. Мабодо бемор кўр-кўрона, бировларнинг маслаҳати билан ёки ўзиблармонларча дори-дар-

монлардан фойдаланганидан бўлса, доно халқимиз ибораси билан «қош қўяман деб, кўз чиқариши» турган гап.

Ўрни келганида бегона кўлардан дори олманг, хушёр бўлинг, деб хитоб қилгинг келди. Чунки бировнинг дардида, истеъмол қиляётган кўнубола» дориларни сотиш ҳоллари бўлиб туради. Россияда босилган нуфузли ҳафтанома «Аргументы и факты»нинг 51- сониде босилган. «Беспользные лекарства» («Фойдасиз доридармонлар») номли мақолада берилган маълумотларда қайд этилишича, ҳали тўлалигича самара қўлама аниқланмаган дориларнинг сотувга чиқарилиши чўқур таҳлили ва барча шароитларни инобатга олган ҳолда у ёки бу турдаги доридан фойдаланишни лозим кўради. Мабодо бемор кўр-кўрона, бировларнинг маслаҳати билан ёки ўзиблармонларча дори-дар-

миқеида чиқариладиган ниш дори, тугма дори, ҳаб, суртма дори бўлсин ёки уй шароитида тайёрланадиган қайнатма, дам-лама, тиндирма бўлишидан қатъи назар, шунингдек парҳез тутиш каби амаллар фақат даволоччи шифокорнинг тавсияси, мумкин қадар назорати остида олиб борилиши лозим. Дорихоналардан тегишли дори препаратлари олинаётганда албатта маъзур дори намунасининг сертификатини (кафолатномасини) кўрсатишни талаб қилиш керак.

Хозирда баъзи идоралар орада тиббиётдан қатра маълумоти йўқ одамлар дори сотиб юрганини гавжум жойларда, бозорларда шахси номаълум кишилар, ёймачилик билан «Шифобахш ғиёҳлар» билан савдо қиляётганлигини кўришингиз мумкин. Улар этагингизни тутса, бирор ўсимлик маҳсулотини олишга кўнширадилар. Баъ-

Сўраган эдингиз...

МАДОРСИЗЛИК

Йилнинг тўрт фаслида ҳам инсон организмда турли ўзгаришлар рўй беради. Булардан бири мадорсизлик ҳолатидир. Инсон организм каттиқ чарчаганида, бирор аъзоси хасталанганида унда кучли мадорсизлик сезилади. Бундай ҳолатда аввало табиий усуллар воситасида даволашнинг аҳамияти каттадир. Мевалар — анор, беҳи, олма ва лимон, шунингдек, ошқоқ, нулфар, кашинч ва отқулоқдан тенг миқдорда олиб қайнатилади ва ҳосил бўлган қуюқ шарбатдан ҳар куну бир ош қошиқ миқдори-


да оч қоринга истеъмол қилинади. Бир неча кундан сўнг киши тезда эсини бардам сезади, мадорсизлик йўқолади.

Агар инсон организмда В2 витамини камайиб кетса, у мадорсиз бўлиб қолади. Шу витаминнинг ўрнини тўлдириш учун кўпроқ кўй гўшти, тухум, хамиртурушли таомлар ва пишлоқ истеъмол қилиб туриш лозим. Майдаланган ўрик баргига ёнғоқ мағзи ва майизнинг ҳар бирдан 400 граммдан олиб, уларни 200 грамм асалга аралаштириб, овқатдан олдин 1 ош қошиқдан истеъмол қилиш тавсия этилади.

МИЛК КЎП ҚОНАГАНДА...

Агар милк хасталанган бўлса, тез-тез қонайди. Бундай ҳолат кўпинча организмда С витамини етишмаганида содир бўлади. Бунда ҳам аввало табиий даволаш усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Таркибиди С витамини бўлган маҳсулотларни кўпроқ истеъмол қилиш ушбу дардга даво бўлади. Масалан, картошка, қарам, бўлғор қалампир, кулпунай, лимон, апельсин каби сабзавот ва мевалар шулар жумласидандир. Асал, сирка, тўқай пивези, аччиқтош, қизил гулнор гул уруғини милкка суртиш ҳам фойда беради.

Саломатликнинг қадрини кўпинча касал бўлганда, шифокорнинг меҳнатини эса дардан халос бўлганда ҳис этамиз. Ана шундай дамларда нафақат касб маҳорати, балки дил ҳарорати, ширин муомаласи билан бемор дардини енгиллатган шифокорларга тан бермай иложингиз йўқ.



Саломатликнинг қадрини кўпинча касал бўлганда, шифокорнинг меҳнатини эса дардан халос бўлганда ҳис этамиз. Ана шундай дамларда нафақат касб маҳорати, балки дил ҳарорати, ширин муомаласи билан бемор дардини енгиллатган шифокорларга тан бермай иложингиз йўқ.

2004 — Меҳр ва мурувват йили

КАСБ МАҲОРАТИ, ДИЛ ҲАРОРАТИ БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси саломатликини тиклаш ва физиотерапия илмий-текшириш институтининг асаб касалликлари бўлимида ҳам беморлар дардию ўз шифокорлик меҳнати қадрини дилдан ҳис этаётган кўплаб шифокорлар меҳнат қилад.

Уларнинг изланишлари, билим ва маҳоратлари бонс бугунги кунда кўплаб беморлар соғаймоқда, саломатликларини мустаҳкамлашга муваффақ бўлишмоқда.

— Шифокорларимиз учун энг муҳими умид билан келган ҳар бир беморнинг ишончини сўндирмаслик, унга ҳар томонлама маълум бўлишидир, — дейди асаб касалликлари бўлими мудири, олий тоифали шифокор Бўрибой Рўзикулов. — Бунинг учун эса бўлимизнинг ҳар бир оқ халати ходими ўз олдидеги масъулиятни ҳис этган ҳолда меҳнат қилад.

Ҳар бир касалликни даволашда, аввало беморни соғайишига ишонтириш, унинг асабларини тинчлантириш, унда умид уйғотиш муҳим аҳамият касб этади. Бўлимиз шифокорларининг малакаси, шунингдек, ташхис қўйишда, саломатлигини тиклашда ниҳоятда зарур бўлган замонавий тиббиёт ускуналарини ёрдамида ҳар бир бемор дардига даво топаёмиз.

Шу билан бирга беморларимизга асабини асраш, ҳар қандай касални даволашдан уни олдини олиш афзаллиги хусларида тушунтиришлар бериб борамиз.

Бўлимда беморлар учун 45 ўрин мавжуд бўлиб, саломатлигини тикловчилар учун барча шароитлар яратилган. 21

Нафақат маҳорат, балки меҳр ва мурувват ҳам шифокор меҳнатининг самарасини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Шу бонисдан ҳам Президентиимиз ташаббуслари билан жорий йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши саломатлик побсонлари дилига ҳам эзгу ниятларни солди. Улар меҳрга муҳтож, ёлғиз қарияларга, ногиронларга мурувват кўрсатишга, уларнинг саломатликлари ҳақида қайғуриб ҳамиша дардларига маълум топишга аҳд қилишган. Зеро, улар инсонлар саломатлиги — юртимиз бойлиғи, фаровонлиги эканлигини, бу борада ўзларининг хиссаси юксаклигини дилдан англашади.

Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: бўлим мудири Бўрибой Рўзикулов шифокор Дилбар Вохидова ва ҳамшира Дилфуза Рахматова; уқловчи Мавлуда Мирзааҳмедова беморга хизмат кўрсатмоқда. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.



Бека

ВАКТИНГИЗ БЕМАЛОЛМИ?

Психологларнинг фикрича:

Аввал оддийдан бошланг. Шифонерни қаранг, у ерда сиз энди умуман фойдаланмайдиган чойшаб, ошхонангиздан ҳам оз бўлса-да, чанг босган, кераксиз анча вақтдан буён фойдаланилмаётган эски анжомларни йғиб олинг. Бундай буюмларни танишларингиз ёки қўшниларга тарқатиб юборинг.

● Ортиқча лаш-луш йиғишга одатланманг. Баъзилар «ҳар эҳтимолга қарши» деган усулни ёқтиради (эски журнал, газета, картон, конверт, арқонча, сиёҳсиз ручка, эски қалам ёки бўш пластик идишлар йиғишади). Уларнинг икки-учтасини олиб, қолганини ташлаб юборинг.

Хонадонингизда доим озодаликни сақланг. Ушанда уй йиғиштиришга одатдагидан камроқ вақт кетади. Кийимингизни одатдагидан бир кун кўпроқ кийинг. Ҳар куни кир ювишга одатланг.

Янги буюм сотиб олдингизми, жуда эскисини ушлаб ўтирманг. Китоб жавонига янгисини жойлаштириш, кийимлар ташлашишга янги кўйлакни, бола ўйинчоқлари қутисига янгисини текиш оқибатида шунча нарса кўп олдингизки, шкаф эшигини ёлмай қутини ўрнидан силжитолмай қоласиз.

Телевизорни камроқ кўринг. У асосий вақтингизни олиб қўйиши мумкин. Бундан ташқари турли рекламалар туфайли кўп нарса харид қилгингиз келиб қолади. Бизнингча фойдаланиш унча зарур бўлмаган бир қисм молларсиз ҳам яшас бўлади. Реклама қилинган мол ҳар доим ҳам сифатли бўлавермайди.

Шифонердаги ўз кийимларингизга назар ташланг. Улар доим модада бўлган костюмлардан иборат бўлиши керак. Агар йил давомида устингизга илмган бирон кийим бўлса ундан бутунлай воз кечинг. Ортиқча нарсдан қутуласиз.

«Йўқ» дейишга ҳам ўрнанинг. Агар сизга унча керак бўлмаган машғулот билан шуғулланишни таклиф этувшаси ёки сўралмаган ёрдам кўрсатмоқчи бўлишса кўнгилчанлик қилмай, ёқими, лекин қатъий оҳангда «Раҳмат, мени бу қизиқтирмайди» деб қўя қолинг.

Энг асосийсини ёдда тутинг, гап ҳаётда бошқа фойдаси бўлмайдиган ва ортиқча вақт талаб қиладиган икир-чикирлар ҳақида кетди. Вақт эса сиз учун нақадар қимматли бўлган ҳаётингиздир.

Заҳматкашларимиз

ЭП ЭЪЗОЗИДАГИ АЁЛ

Узоқ ўтмишдан халқимиз аёлларни эъозлаб, ардоқлаб келади. Аёллар ҳам бундай эъозга муносиб оламшумул ишлари билан азиядурлар. Чунки, оила бахти ҳам муътабар ва муқаррам аёллар шарофатидандир. Севимли шоиримиз Абдулла Орипов ҳам ҳамиша яхшилик ва эзуликка интилган аёллар — оналарни мадҳ этиб қуйидаги сатрларни битган:

Муштинпар ҳам ўзинг, буюк ҳам ўзинг,
Куйинчак ҳам ўзинг, қуюк ҳам ўзинг.
Оламга татирлик суюк ҳам ўзинг,
Пайт келди айтмоққа гапинг ҳонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси!..

Ҳақиқатан ҳам ўзбек аёллари нафақат оиланинг фариштаси, хонадон сариштаси, балки давлат ва жамоат ишларида қуюнчак, фидойи ҳамда ташаббускордирлар. Истиклол йилларида айниқса олимпиада фозила аёлларимиз сафи кенгайди. Уларнинг мамлакатимиз илм-фан тараққиётига, ёшлар тарбиясига қўшаётган муносиб ҳиссаларини алоҳида таъкидлаш ўринли. Заҳматкаш, иқболи баянд, бугунги ҳуррият қўшидан баҳра олиб ўзлигини намоян қилган муҳтарам олимпиа аёлларимиз қаторида ўз меҳнатидан қадр толган Хотима опа Шайхова ҳам элимиз эъозига ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлган аёллардан саналади. Хотима опани халқимиз фалсафа фанлари доктори, профессор, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби», халқ таълими алоҳиса сифатида яхши танийди. Хотима Шайхова бугунги кунда ҳам фалсафа ва ҳуқуқ институтида профессор-консультант ҳамда ихтисослашган илмий кенгаш аъзоси сифатида хормай-толмай меҳнат қилиб келмоқда.

—Албатта бундай юксак даражаларга эришгунча унча ва машаққатли йўлни босиб ўтган бўлсангиз керак? — сўраймиз Хотима опадан.

— Дарҳақиқат, мен ёшлигимдан ўқитувчи бўлишни оруз қилардим. 1956 йили Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти тямомлаб, Иброҳим Мўминов номидаги Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институтига келгунча 17 ёшимдан Бўка тумани ва Тошкент шаҳридаги мактабларда ўқитувчи бўлиб ишладим. Ёшлар ахлоқ-тарбияси муаммоларига қўзиққаным боис шу йиллар давомида Республика ёшлар ташкилотининг мактаб бўлими бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатиб келдим. Институт ва мактабларда тарих, адабиёт ва маданиятшуносликдан 18 йил ёшларга сабоқ бердим.

Инсон аввало ўз касбига меҳр қўйиб астойдил меҳнат қилса, қилган ишлари юзага чиқиб,

албатта қадр топар экан. Ҳаётимда кўпроқ илм олишга, изланишга интилдим. Оллоҳга шўҳр, меҳнатларим мевасини берди. Толғымдан хурсандман. Илм-фан тараққиётида озгина бўлса-да хиссам борлигидан нихоятда бахтиёрман. Ҳаёт пиллапоғларида умр йўлдошим Эркин ака билан 52 йилдан буён мазмуни ва тотув тур-



муш кечириб, уч ўғил, бир қизни тарбиялаб уларни жамиятда ўз ўрнини топган комил инсон қилиб вояга етказдик. Ота-она учун бундан ортиқ бахт борми?!

Ҳа, Хотима опа шоир таърифлаганидек, нафақат оиласига, балки эл-юртга, ёшларга, шогирдларига доимо қуюнчак, гамхўр ва меҳрибон. Опанинг айниқса институтидаги фаолиятлари эътиборли. Бу ерда оддий аспирантликдан илмий ходим, фан номзоди, фан доктори ва нихоят профессор даражасига кўтирилган Хотима Шайхова юздан ортиқ илмий мақола, монография, кўлаб рисолалар муаллифидир. Шунингдек, 10 дан ортиқ фан номзоди ва фан докторларига устозлик қилиб, ўз билим ва таърибаларини ўргатиб келмоқда. Хотима опанинг меҳнат фаолияти жамоатчилик иши билан чамбарчас боғлиқ кетган, десак адашмаймиз. Чунки, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раёсати ва кенгаши аъзоси, «Маънавият ва маърифат» марказида бошқарув аъзоси, Республи-

ка «Нуроний» жамғармаси Кенгаши раёсати аъзоси, Республика «Олима» уюшмаси раисининг ўринбосари, шаҳар «Олима» уюшмаси раиси сифатида тиним билмай фаолият кўрсатиб келмоқда. Олиманинг кўп йиллик самарали меҳнатлари, илм-фан тараққиётига ҳамда етук кадрлар тайёрлашга қўлган ҳиссаси давлатимиз томонидан муносиб баҳолашиб, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» унвонига ва кўлаб Фахрий ёрликларга сазовор бўлди. 40 йилдан беш ўз меҳнати ва билимини оила, хотин-қизлар, ёшлар тарбияси муаммоларига, аҳолишунослик, кадриятшуносликка бахш этиб келаётган оқила ва меҳрибон она, тиниб-тинимас жонқуяр олимпиа, устоз Хотима Шайхованинг ибратли ҳаётларига ҳавас қилса арзийди.

— Ҳар бир миллатнинг энг қимматли хазинаси — соғлом оиладир, — дейди биз билан суҳбатда Хотима опа. — Энг муҳими, аёл муътабар, муқаддас табарруқ зот, зуред яратувчи она эканлигини доимо ҳис қилиб яшасин. Қизларимиз ва ўғилларимиз ҳаёт таърибалари, аждодларнинг ҳуқмат ва ибратли ўғитларидан баҳраманд бўлинлар. Ана ушанда ҳар бир оилада ҳаловат, тинчлик-тотувлик, меҳр-оқибат, қут-барока бўлиши муқаррар. Айниқса оиладаги тотувлиги таъминлашда қайноналарнинг ўрни бекиёс. Мен ҳам қайнонаман. Доим яхши қайнона бўламан, деб ният қилардим. Келинларим — Барноҳон, Ферузахон, Умидахонларни келин деб эмас, қизим деб қабул қилганман. Уларга доим қизим деб мурожаат қиламан. Билмаганларини босиқлик билан яхши гапириб ўргатиб келаман. Оллоҳга шўҳр, келинларим, ўғилларим, қизим ва кўевим, 10 набаира, уч эварлар ардоғида, эъозидаман.

Ҳа, айни кунда ўзининг 75 баҳорини қарши олаётган бахтиёр оиланинг бахтли бекаси Хотима Шайховани биз ҳам ҳақиқата эл эъозига, оиласи ардоғида азизу муқаррам бўлиб юришларини тилаймиз.

Қодир табиат биз аёлларга муносилик, мушфиқлик, эзулик ва гузалликни абадий фазилат деб берган экан, муқаддас ва муътабар деган улуг номга муносиб бўлишга эришайлик. Зеро, ҳар бир инсон қўнглини мунаварр этувчи, нафақат оилага, балки бутун жамиятга аҳиллик, тотувлик, меҳр-оқибат бағишловчи ҳам аёл зоти-дир. Шу ўринда шоирнинг қуйидаги мисраларини келтириш билан дил номаларига яқун ясамоқчимиз:

**Бешик эмас, дунё тебратган,
Кўларингиз ўпсак бўлур оз,
Оёқларинг остида эркан,
Жаннат деган энг олий эъоз.**

Дилором ИКРОМОВА

Шаҳрим-фаҳрим

МАЪНАВИЙ

ЮКСАКЛИГИМИЗ ҲАҚИДА

Йиллар, унинг ортидан асрлар ўтади. Илм-фан тараққий топиб, бугунги кунда катта умид боғлаётган келажак авлоднинг имкониятлари шундай юксакликка кўтариладик, бунинг биз тасаввур қилишга ҳам оҳимизиз. Зеро, ёшларнинг ихтирою-кашфиётлари туфайли дунё билан узоқ масофадан туриб сўзлашиш у ёқда турсин, неча замонлар илгари, шу жумладан XX-XXI асрларда қурилган бино ва иншоотлар «ичига» кириб бориш, уларнинг қандай усулда қурилгани, мазмуни билан яқиндан танишиш, ҳаттоки амалий тадқиқотларсиз пойдевори мустаҳкамлигини аниқлаш ва йўл-йўлакай унинг асосига яхши ниятлар билан келгуси авлодга қўйилган битик — бағишловни ҳам ўқиш мумкин бўлади.

давом эттириш, халққа янада манзур бўладиган юксак асарларни яратиш ва бу борада моддий негизини таъминлаш учун бирон-бир асаридан узоқ кечиниш, яъни уни сотишга мажбур бўлишган. Бунинг охири-оқибатида бугунги кунга келиб ўз даврида ижодкор асарлари қадрланмагани боис у ёки бу халқнинг миллий мероси бўлмиш минглаб бебаҳар дурдона асарлар дунё бўйлаб тарқалиб кетган.

Мустақиллигимиз тенгдоши Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг бошиданқоқ миллилатимиз маънавиятининг етакчи вакиллари бўлиш таниқли расомлар ва ёш ижодкорларга ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш сиёсатини илгари суриб, уларнинг сара асарларидан иборат доимий кўргазма ташкил қилишни йўлга қўйди. Натijaжада бугунги кунга келиб банк фақат ўз газнасига билан эмас, балки маънавий хазинаси билан ҳам халқаро микёсда танилиб келмоқда. Дарҳақиқат, бунинг ажабланишли жойи йўқ, дунёда бундай усул кенг қўлланилади, демократиклиги, аксарият кат-

та-катта молиявий институтлар муздей, галерея бошқа маънавий-маданий мерос эгаси ҳамдир. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бундан истисно бўлмаслигини табиий ҳол деб қабул қилиш керак.

Қолаверса, асосий фаолияти нуфузига келсак, дунёнинг беш юзта йирик банклари қаторига кирувчи Ўзбекистон Миллий банки Британияда нашр этиладиган «Глобал финанс» журналі томонидан 2003 йилда мамлакатимизнинг энг яхши банки деб тан олинган бўлса, «Банкир» журналі хулосасига кўра, у Шарқий Европанинг энг самарали банки деб эътироф этилган. Қолаверса, республикамиздаги барча банкларнинг 72 фоиз активлари ва 57 фоиз капиталі Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига тегишлидир.

Яна мавзуга қайтиб, шу кунгиз таъкидлаш жоизки, тўпланган ноёб асарларга банк эмас, халқ эгаллик қилиши ва бундан қўнчилик баҳраманд бўлиши кераклиги инобатда олиниб, алоҳида бадиий галерея қурилишига киришилди.

Мазкур объект лойиҳаси Тошкент

шаҳрини қайта қуриш ва обод қилиш институти томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, қурилиш ишларида маҳаллий ташкилотлар билан ҳамкорликда Туркиянинг «Айсель» компаниясининг шўъба корхоналари ҳам иштирок этмоқда. Мутахассислар фикрига қараганда, Картина галереяси биносининг кўринишини унинг мазмунига мос ва ҳос равишда миллий ва замонавийлигини уйғунлаштирган санъат қошонаси даражасига етказиш режалаштирилган. Икки қаватдан иборат галерея биноси битандан сўнг, унда мамлакатимиз тасвирий санъатининг барча йўналишлари ва даврларига мансуб асарлар намойиш этилади. Шу жумладан Ўзбекистонда ашаб ижод қилган машҳур мусафирлар А.Волков, У.Тансиқбоев, В.Уфимцев, Л.Бурнинг реалистик асарлари, ўтган асрнинг 50-70-йиллари мўъкалам усталари А.Абдуллаев, Ч.Аҳмадов, П.Мордвинцев, В.Охунов, Б.Жалоловнинг турли жанрдаги асарлари галереядан муносиб ўрин олади. Албатта, ёш расомлар ижоди ҳам камраб этилади. Шунингдек, галерея коллекцияси ичидан ҳайкалтарошлик, графика санъати асарлари ҳамда қадимий, ўрта аср ва янги замон тангалари алоҳида ўрин тутлади.

... Кўп йиллар, асрлар ўтади. Келажак авлод бугунги кунда қурилган бино ва иншоотларимизга қараб, уларнинг қайси макссадларга хизмат қилганлигига баҳо бериб, ўз аждодлари нечоғлик куч-қудратга — юксак маънавиятга эга эканлиги ҳақида гурӯҳлашиб фикр билдиришига шўбха йўқ албатта. Мустанқиллик йиллари бошиданқоқ амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатларимиз пилларда ҳам айнан шу эзу макссадлар сари йўналтирилган десак асло адашмаймиз.

Ильмира Зайнутдинова

Шарқ дурдоналари

03-03 УТГАНИЙ
Домо бўлач...

• Бир куни улфатлар даврасида Лайли ва Мажнун ҳақида сўхбат бўлибди. Шунда бир йигит: «Лайли унчалик гўзал эмас, нега энди Мажнуннинг дили унга шунчалик ром бўлган экан?» — деб қолибди. Шунда дўстлари: «Мажнунни ром қилган нарсаси Лайлининг чиройли жамоли эмас, балки чиройли хулқи!» — деб жавоб беришибди.

Байт:

Дилраболар ошиқ аҳлини ўлдирур тош дил билан,

Лек қайта тиргизур хушхулку, ширин тил билан!

Сен газаб бирла бирор филни енголмассан бирок,

Бўлса юмшоқлик уни ром айлагунг бир қил билан!

• Баъзи ҳақимларнинг фикрича, одамнинг ақли эканлигининг белгиси ҳамма билан муроса қила билишида, одамлар билан тил топа олишида ва уларни тўғрилик томон юргиза билишдадир. Мақолда: «Халқ билан тил топа олмаган киши — ақл неъматидан маҳрум киши» дейилади. Халқ билан муроса ва мадора деганда шундай нарсани тушуниш керакки, унда ёлғончилик бўлмайди, ҳеч кимни алдамайди. Тили билан дили бир-бирига мувофиқ бўлади; каттаю кичик билан бирдек муомала қилади, барчани яхши ишлар сари ундайди, ҳеч кимга зарари тегмайди.

• Лўқмони ҳақим айтиди: — Кишининг ақли шараф ва улуглик асосидир! Кимнинг ақли кўп бўлса айблари аширин ва дўстлари эса ундан рози бўлади.

• Яхшилик яхши ном келтиради, саховат эса кишини бахтиёр қилади.

• Ёмон отли киши ўлик билан тенг,

Яхши ўлса ҳамки, тирик эл аро.

Шундай яшагинки, сен ўлсан агар,

Бошга тупроқ сочиб чексинлар наво!

ҲИҚМАТ. Таажубки, дунёрастлар бойлики молдан кидирадилар, ваҳоланки, у қаноатдадир. Роҳатни эса кўлдан кидирадилар, ақинча у оздандир.

Байт:

Учур оту, янги либосда,

Ҳеч фазилат эмасдир ниҳон.

Дунёпараст хуш либослиқнинг,

Юрагида гамидир уммон.

Жон роҳатин изласан агар,

Қаноатда бўлгандир пинҳон.

• Бир ҳақимдан сўрадилар: «Дўстларингдан қай бири барчадан сенга ёқди ва биродарлик даражасига етди ва қайси берига муҳаббатинг кучлироқдир?» Ҳақим: «Айб қилсам аширадиган ва узр сўрасам кечирадигани!» — деб жавоб берди.

• Инсон жасадига ақл дароҳта ўшади. Дарак тоза ва ҳосилли бўлса, ундан самара умид қилиш мумкин. Унга лажмурдалик ва ҳазон етса, унинг қилиб ёқидан бошқа нарсага арзимайд.

Ростиғу дўстлиқни кутса бўлади,

Оқил кишилардан, фарзоналардан.

Аҳмоқлик бўлади яхшилик кутмоқ,

Ақли йўқ, баднамо, девоналардан.

Ўзбекистон ва жаҳон

Форум қатнашчилари тўрт кун давомида минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга оид долзарб масалаларни муҳокама қилдилар.

Масалан, Ж.Маршалл номли марказ профессори Р.Кангас Марказий Осиё давлатлари ўртасида етарлича интеграция жараёни кузатилмапти, минтақа мамлакатларининг ҳамкорлиги фақат баъзи бир алоҳида масалаларни ҳал қилишдагина кўзга ташланапти, деган фикрни билдирди. Мавжуд муаммоларнинг мураккаблиги минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, минтақа давлатлари ўртасида иккитомонлама ва кўптомонлама имзоланган битимларни тўлиқ бажариш, минтақавий ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш, халқаро молиявий институлар салоҳиятидан кенгроқ фойдаланишни талаб этади. Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш оламшумул аҳамиятга эга, деб таъкидлади Р.Кангас, бунда масалани ҳал қилиш бўйича қарорлар ташқи аралашувларсиз минтақа мамлакатларининг ўзи томонидан қабул қилиниши керак.

ГФР бундестагининг Германия-Марказий Осиё парламент гуруҳи раҳбари доктор Х.Вегенер ўз маърузасида Европа Иттифоқининг барпо этилиш тарихи ва Европа интеграциясининг муҳим жиҳатларига тўхталди. У бундай тажрибанинг Марказий Осиё мамлакатлари учун муҳимлигини қайд этар экан, ЕИ нафақат ягона иқтисодий маконлиги, балки ягона кадрятларга суянадиган ва мувозанатли сиёсат олиб борадиган давлатлар иттифоқи эканлигини таъкидлади.

Дин боқинчилиги учун асос бўла олмайди, деди ўз чиқишида Индиана штати (АҚШ) университети профессори Н.Шахрани. Кўпгина диний экстремистик ва террорчи ҳаракатлар баъзи диний ақидаларни ўз манфаатлари йўлида но-тўғри талқин қилган ҳолда маълум сиёсий мақсадларни кўзлашди. Бундан ташқари ҳозирги даврда террорчилик йирик фойда келтиривчи иқтисодий махсу-

лотга ҳам айланган.

Н.Шахрани 11 сентябрь воқеаларидан сўнг дунёни дўстлар ва душманларга ажратиш бўйича кузатилаётган содда тушунчанинг хаттолигига эътиборни жалб этди. Терроризм чуқур илдизли муаммо, баъзи экспертларнинг эътиборни фақат унинг гўёки исломий жиҳатларига қаратишга бўлган интилишлари эса халқаро ҳамжамият фикрINI ушбу касаллик келиб чиқишининг сиёсий сабабларидан

таъсирини ўтказаетганлигини таъкидлади. Сўнгги пайларда жинояти тўдаларнинг наркотик моддалар транзити учун Буюк Ипақ йўли, жумладан Марказий Осиё давлатларидан фойдаланишга бўлган интилиши кучайиб борапти. Шу муносабат билан К.Бутт транзит мамлакатлар ҳам аста-секин наркотиклар истеъмол қилувчи ҳудудларга айланиб қолиши мумкинлигидан огоҳ этди. Унинг ахбороти

ХАВФСИЗЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Матбуотда хабар қилинганидек, яқинда Тошкентда ўнлаб давлатлар, БМТ, ЕХҲТ, Европа Иттифоқи, НАТО, Жаҳон банки, ЕТБ каби халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида “Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик” мавзусидаги халқаро анжуман ўз ишINI янгулади. Анжуман Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ва Ж.Маршалл номли хавфсизлик муаммоларини ўрганиш бўйича Европа маркази томонидан ташкил этилди.

чалғитиши мумкин.

Афғонистондаги вазият ҳақида гапирар экан, америкалик олим ақсилтеррор операцияларни амалга ошириш учун ҳозирнинг ўзида 20 миллиард АҚШ доллари дан ортик маблағ сарфланганлигини қайд этди. Шунингдек, ушбу мамлакатнинг иқтисодий тикланиши учун йирик молиявий маблағларни йўналтириш зарур. У янги афғон конституциясининг баъзи бандлари кўпмиллатлик ва этник гуруҳлар ўртасидаги мавжуд қарама-қаршилиқлар шароитида мамлакатдаги аҳволнинг беқарорлашишига олиб келиши мумкин, дея огоҳлантирди.

Ж.Маршалл номли марказ профессори Н.Пратт терроризмга пухта тузилма ва тизимга эга умумий душман сифатида таъриф берди. Европада янги мусулмонларнинг иккинчи-учинчи авлоди вакиллари н ёлғаша бўлган интилиш аққол намоён бўлапти. Унинг фикрича, нафақат терроризмга қарши курашмоқ даркор, балки ёшлар онгига тикиштиришга ҳаракат қилинаётган ўта хавфли мафкурага ҳам йўл бермаслик керак.

ГФР ички ишлар федерал вазирлиги комиссари К.Бутт ўз чиқишини наркотрафикнинг трансмиллий хавфсизликка таҳдиди мавзусига бағишлади. У наркобизнес сиёсий ва иқтисодий тизимлар ҳамда бутун жамиятга беқарорлаштириш

кўра, ўтган йили Тожикистонда ўн тоннага яқин миқдорда наркотик моддалар ушланган ва уларнинг ярмидан кўпи кам тозаланган героин бўлган. Ушбу наркотиклар минтақанинг ўзида сотишга

мўлжаллангани кўзга ташланиб турибди, чунки паст сифатли героинни Европага етказиш иқтисодий жиҳатдан ҳамда юқори даражали тавakkалчилик ва хавфхатар маъносидида мақсадга мувофиқ эмасдир. Бундай шароитда наркотрафика қарши кураш бўйича иккитомонлама ва кўптомонлама битимлар имзолаш, наркотиклар савдоси билан шуғулланаётганларга нисбатан жазо чораларини қучайтириш, бу йўналишдаги олдини олиш ҳаракатлари стратегиясини ишлаб чиқишининг аҳамияти ошиб борапти.

Халқаро анжуман иштирокчиларининг бу каби кўплаб фикр-мулоҳазалари ишчи гуруҳлар фаолияти давомида муҳокама қилинди, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, ягона минтақавий бозорни яратиш ва Марказий Осиёда наркотрафика қарши курашни кучайтиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилди. Анжуман иштирокчилари Ўзбекистон томонидан олгга сурилган Марказий Осиё минтақавий ахборот-мувофиқлаштириш марказини тузиш бўйича ташаббусни кўллаб-қувватлашди.

Умумий мулоҳазаларга кўра анжуман минтақа учун эътиборли воқеа бўлди. Энди таклиф қилинган тавсияларга асосланган ҳолда Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашнинг амалий воситаларини яратиш бўйича ҳаракатлар кутмоқда.

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК — БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) кам сонли миллатлар ишлари бўйича олий комиссари Ролф Экеуснинг Ўзбекистонга таширифи ниҳоятда етди. Таширифининг сўнгги куни Экеус жаноблари “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан сўхбатда бўлиб, қўйидагиларни баён этди:

— Ўзбекистонга сафаринининг асосий мақсади мамлакат раҳбарияти билан камсонли этник халқларнинг республикадаги ўрни ва ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларни муҳокама этиш, Марказий Осиё минтақасидаги эҳтимолий хавф-хатарлар ҳамда ЕХҲТ билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларини ўрганиш эди.

Шуни таъкидлашни истардимки, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган этник кам сонли миллатлар ҳуқуқлари мамлакат қонунчилигида аққол акс этган бўлиб, бу турли элатлар ва этник гуруҳлар вакиллари ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик ва дўстликни мустаҳкамлаш, уларнинг биргаликдаги тўлақонли фаолияти учун зарур имкониятлар ато этмоқда. Биз Ўзбекистон ҳукумати билан жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари таърибасини инобатга олган ҳолда қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш йўлида самарали ҳамкорлик қилишимизга умидворман. Бу борадаги иккитомонлама мулоқотни кенгайтириш учун барча шарт-шароитлар ва имкониятлар мавжуд.

Ташириф давомида мен турли ҳуқумат идораларида кўллаб учрашувлар ўтказиш, шунингдек, Байналмилал маданият маркази фаолияти билан яқиндан танишиш имконига эга бўдим. Фикримча, ушбу марказ мамлакатингизда истиқомат қилаётган турли этник гуруҳларнинг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтиришда, уларнинг маданиятини бойитишга муҳим аҳамиятга эга. Шубҳасиз, бу каби марказларнинг фаолияти бутун Ўзбекистон халқининг бирлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мен Ўзбекистон ҳукумати-нинг 120 дан зиёд миллат ва халқлар истиқомат қилаётган мамлакатда миллатлараро тотувликни сақлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайман. Ишончим комилки, бу халқлар вакиллари-нинг барчаси давлатингизнинг иқтисодий юксалишига, Ўзбекистоннинг қадимий ва серқирра маданиятини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшади.

Кунчиқар мамлакатнинг етакчи саноат марказларидан бири ҳисобланган Йокогама шаҳрида “Грейс” чой маркази мавжуд. Яқинда мазкур марказда ўзбекча миллий чой таомилига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда Япония ҳукумати аъзолари, таниқли фан ва маданият арбоблари, ишбилармонлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

ЯПОНИЯДА ЎЗБЕКЧА ЧОЙ ТАОМИЛА

Тадбир иштирокчилари давтаввал бу ерда ташкил этилган турли хорижий мамлакатларнинг чой ичиш маданиятига оид кўргазма билан танишиш имконига эга бўлиши. Хусусан, Ўзбекистонга оид кўргазма бурчаги меҳмонларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

Маълумки, чой ичиш таомили ўзбек халқи учун шунчаки удум эмас, балки миллий маданият ва турмуш тарзининг ажралмас қисми, одамлар ўртасидаги муомала воситасига айланган. Семинар чоғида қайд этилганидек, ўзбек халқининг чой билан боғлиқ бўлган барча урф-одатлари асрлар оша шаклланиш баробарида энг олижаноб фазилатларни ўзида мужассам этган. Дарҳақиқат, меҳмондўст ўзбек халқининг бағрикенглиги ва меҳридан баҳра олган, Ўзбекистонда бир пиёла чой ичган ҳар бир хорижий сайёҳ серкўш диёримизга интиқлик билан яшайди.

Тадбир давомида меҳмонлар бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилишди. Уларга ўзбекча тавозе ва мулозамат билан чой узатилиб, миллий ширин-

ликлар улашилди.

«Грейс» чой марказининг директори Юми Ямане хоним семинар аҳамиятини қўйидагича баҳолайди:

«Ўзбекистоннинг кўҳна ва бой маданияти жаҳон цивилизацияси тарихида муҳим ўрин эгаллайди. Жумладан, ўзбекча чой ичиш анъаналари нафақат бетакрорлиги, балки ўзининг ахлоқий ва умумфалсафий мазмуни билан ҳам ажралиб туради. Ўзбекча услубдаги чойнак-пиёлалар ва меҳмонга чой узатиш одобининг япон халқи анъаналарига ўхшаш жиҳатлари жуда кўп».

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг Токиодаги элчихонаси кўмағида ташкил этилган ушбу тадбир Япония жамоатчилигининг Ўзбекистон маданиятига қизиқиши ортаётганини яна бир бор намоён этди. Семинар тўғрисида “NHK” ва “TBS” каби мамлакатнинг етакчи телерадиокомпаниялари орқали махсус кўрсатувлар ҳам намойиш этилди.

«Жаҳон» Ахборот агентлиги материаллари асосида тайёрланди.

Спорт

ОЛИМПИДАГА ЯНА БИР ЙЎЛЛАНМА

Франция пойтахти Париж шаҳрида дзюдо бўйича Гран-при туркумига кирувчи нуфузли мусобақа бўлиб ўтди.

Мазкур турнирнинг ўзига хос томони шунда эдики, 1-4 ўринни эгаллаган курашчилар бевосита Афинадаги олимпиадада катнашиш ҳуқуқига эга бўлишарди. Жаҳоннинг Япония, Франция, Греция, Португалия, Италия, Испания, Буюк Британия, Германия, Бельгия каби дзюдо ривожланган мамлакатларининг энг кучли яккакураш усталари иштирок этган мусобақада бугунги кунда миллий кураш ва дзюдо бўйича етакчи спортчимиз — Абдулла Тангриев аъло даражада катнашиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Абдулла 100 килограммдан ортиқ вазнда эронлик полвон Фашанди ва Италия вакили Бианчессардан кейин фахрли учинчи ўринни эгаллади. Шу тариқа Афина — 2004 олимпиадасида катнашувчи спортчиларимиз сони яна биттага кўпайди.

Биз ҳозирда ажайиб спорт формасида бўлган Абдулла Тангриевнинг олимпиадада ҳам совриндорлар қаторинда ўрин олишига ишонамиз.

КЕСКИН ВА МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВ

Аввал хабар берганимиздек, кеча мамлакатимиз чемпиони «Пахтакор» Эронда Осиё чемпионолар лигасининг дастлабки босқичи доирасида илк ўйинда жуда кучли «Заб Ахан» жамоаси билан куч синашди.

Шуни айтиш керакки, футбол ишқибозлари «Пахтакор»нинг янги мавсумдаги дастлабки учрашувини жуда орзиқиб кутишганди. Ва ушбу ўйинда жамоамиз куйидаги таркибда майдонга тушди: И.Нестеров, А.Аликулов, Г.Гочкулиев, Б.Ашурматов, С.Жепаров, Л.Кошелев, А.Николаев, Э.Магдиев, М.Бикмаев, Т.Копадзе, А.Солиев.

Ўйин даярли тенг курашлар остида ўтди. Биринчи бўлимда рақиб жамоа аъзолари кўпгина бурчак тўплари тепишган, 30-дақиқада жуда хавфли вазият вужудга келтирилган бўлса-да, ҳисоб очилмади.

Пахтакорчилар ҳам бўш келишмади. Кошелев, Солиев, Жепаровлар тез-тез хавфли ҳужумлар уюштириб туришди. Иккинчи бўлим охирида эронликларнинг ҳужуми муваффақиятли яқунлашиб, «Пахтакор» дарвозаси забт этилди. Шу тариқа ўйин охиригача ҳисоб ўзгармасдан беллашув майдон эгаларининг ғалабаси билан тугади.

18 февралда эса мамлакатимизга ҳам катта футбол кириб келади. Шу кунга 2006 йилги жаҳон чемпионатида саралаш турнирида Ўзбекистон ва Ироқ терма жамоалари «Пахтакор» стадионида ўзаро куч синашди.

Даврон НУРМАТОВ

К а р а т э

КАРАТЭЧИЛАРНИНГ БЕШ МЕДАЛИ

Шарқона яккакураш - каратэ бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Хитой Тайпейида ўтказилган Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этди. Тошкент аэропортида спортчиларимизни тантанали кўтиб олиш маросими бўлди.

— Ушбу нуфузли мусобақа икки йилда бир мартаба ташкил этилади, - деди Ўзбекистон каратэ федерацияси президенти Нурхон Нафасов. — Бу гал йигирма тўққиз мамлакат каратэчилари иштирок этган қитъа чемпионатида терма жамоамиз аъзоларидан Отабек Қосимов битта, София Каспалатова иккита олтин медалга сазовор бўлди. Шунингдек, яна икки нафар каратэчимиз -

Илҳом Каримов ҳамда Рустам Ғофуржонов бронза медал билан тақдирланди. Ушбу муваффақиятимизни жаҳон чемпионати ва бошқа нуфузли турнирларда давом эттирамиз.

— Мен ўз вазним ва мутлақ вазн тоифасида татамига чиқдим, - деди Осиё чемпиони София Каспалатова ўЗА муҳбирига. — Чемпионатда жами етти марта жанг ўтказдим. Айниқса, мутлақ вазндаги финал учрашуви мен учун анча қийин кечди. Шундай бўлса-да, юртимизга иккита олтин медал билан қайтдим. Насиб қилса, Мексикада катталар ўртасида ташкил этиладиган жаҳон чемпионатида ҳам ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қиламан.



Ф у т б о л

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Кунги кеча ўсмирлар ва ёшлар терма жамоалари ўртасида бўладиган Осиё чемпионатида қуръа ташланиб, футболчиларимиз энг кучли терма жамоалар билан бир гуруҳдан жой олгани маълум бўлди.

«Сариқ қитъа»нинг ўн олти энг кучли жамоаси сирасига кирган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси чемпионатнинг «С» гуруҳида ўйнайдиган бўлди. Японияда ташкил этиладиган ушбу мусобақада гуруҳдаги асосий рақибимиз амалдаги Осиё чемпиони Жанубий Корея ўсмирлар терма жамоасидир.

Шунингдек, ҳамюртларимиз Қувайт ва Малайзия ўсмирлар терма жамоаси билан ҳам куч синашди.

Ушбу чемпионатда совринли ўринларни эгаллаган учта терма жамоага бир йилдан сўнг жаҳон чемпионатида қитъа шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилди.

Қизғини шундаки, ёшлар ўртасида Малайзия майдонларида бўладиган Осиё чемпионати учун ташланган қуръа натижасига кўра,

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам «С» гуруҳидан жой олди. Ажабланарлиси, ушбу гуруҳда ҳам асосий рақиб - амалдаги Осиё чемпиони Жанубий Корея футболчиларидир. Умуман олганда, Жанубий Корея ёшлар терма жамоаси сўнгги тўртта қитъа чемпионатида уч мартаба бош совринни қўлга киритган.

Шунингдек, анча кучли ҳисобланган Қатар ҳамда Индонезия ёшлар терма жамоалари ҳам «С» гуруҳида тўп суради.

Малайзияда ўтказиладиган Осиё чемпионатининг ярим финалига чиққан терма жамоалар бир йилдан сўнг ташкил этиладиган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида йўлланма олади.

Зоҳир ТОШХҲҲАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида Халқаро кураш ассоциациясининг 2004 йил тақвимида бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТАЁТГАН ЎЗБЕК КУРАШИ

Йиғилишда Халқаро кураш ассоциациясининг бош котиби Умид Ёқубов ҳамда Ўзбекистон Кураш миллий федерациясининг бош котиби Алишер Эшонқуловлар матбуот ходимларини қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб бердилар.

Маълум бўлишича, жорий йилдаги кураш бўйича мусобақалар 20-21 февралда ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ўтказиладиган халқаро турнир билан бошланган кўзда тутилган. Эркаклар ва аёллар ўртасидаги II халқаро турнир Европа кураш конфедерацияси томонидан Грецияда ўтказиладиган.

— Бу йилги Пан Америка ўйинлари эса Доминикан республикасининг Санто Доминго шаҳрида бўлиб ўтади, деди жумладан журналистларга берган жавобида Халқаро кураш ассоциациясининг бош котиби Умид Ёқубов. Ассоциациянинг йиллик тақвимида кўра, IV Осиё чемпионати Шри Ланканин Коломбо шаҳрида, IV Еуропа чемпионати эса Афинанин Греция шаҳрида ўтказилиши режалашти-

рилган.

Шунингдек, Кураш халқаро ассоциацияси томонидан 8-9 апрель соҳибқирон Амир Темур таваллуди муносабати билан III жаҳон биринчилиги мусобақалари ўтказилиши белгиланган. Шаҳрисабз шаҳрида ўтказиладиган бу мусобақада асосан 20 ёшгача бўлган ўсмир ёшлар иштирок этади. Бу каби анъанавий кураш турнирининг Паҳлавон Маҳмуд хотирасига бағишлаб Хива шаҳрида ўтказилиши ҳам кўзда тутилган.

Бўлиб ўтган йиғилишда яна шу нарса маълум бўлдики, 23-27 февраль кунлари мамлакатимизга Халқаро дзюдо федерацияси вакилларининг ташрифи кутилмоқда. Келгусида Халқаро кураш ассоциацияси ҳамда Халқаро дзюдо федерацияларининг ҳамкорлиги натижасида ўзбек кураши жаҳондаги спорт турлари орасида янада юқори поғоналарни забт этган ҳолда олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олиши йўлидаги саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Орзугул РУСТАМОВА

Тошкент Давлат цирки
16 ёшдан 25 ёшгача
бўлган ёшлар ва қизларни
балет гуруҳига қабул қилади.
Манзил: Тошкент Давлат цирки, 144-35-09 телефонига мурожаат қилинг.
Қабул кунлари: душанба ва сешанбада
соат 10.00 дан 16.00 гача.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»
газеталари таҳририяти реклама агентларини ишга қабул қилади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар — 133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-29-09.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
5576 нускада босилади. Қўғоқ бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 1-рақам билан рўйхатга олинган.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси босмохонаси.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-307. I 3456